

Бунда ёшлар топади иқбол

Самарқанд вилоятида мактаб ва коллежлар қурилишида меъморчиликнинг энг мукаммал лойиҳалари қўлланилаётир

Зоҳир ТУРАКУЛОВ,
"Адолат" муҳбири

Азалдан юртинг ободлиги, халқнинг маънавий етуклиги, икболлини унинг мактабу мадрасаларига қараб баҳолашган. Бу бежизга эмас. Чунки ҳар қандай мамлакат келажаги айнан шу даргоҳларда таълим оладиган соғлом, ақли ва билимдон фарзандлар қўлида. Шу боис, ёш авлодга ғамхўрлик, унинг илму хунар ўрганиши, камолотга эришуви учун зарур шарт-шароитларни яратиш мустақил юртимизда кечаётган ислохотлар марказидаги бош вазифа бўлиб келмоқда.

Самарқанд вилоятида таълим тизимини такомиллаштириш, мактаб, коллеж ва лицейлар қурилишида замонавий меъморчиликнинг энг мукаммал лойиҳалари қўлланилмоқда. Бу лойиҳаларни яратиш, амалиётга жорий этишда вилоятдаги энг номдор қурувчилар, меъмору муҳандислар иштирок этаётганлиги эса барпо этилаётган бинолар учун зарур кафолатларни муҳайё этмоқда.

Мактаб ва коллежлар қурилишида бош буржумани — вилоят ҳокимлигининг "Инжиниринг" компанияси гоят қатта масъулиятни ўз зиммасига олган. Бу — тендер танловлари орқали муайян бино ва иншоотларни қисқа вақтда, сифатли, тежамли

қуришга лаёқатли жамоаларни аниқлаш, улар ишини назорат қилиш, зарур маблағ билан таъминлаш, талаб этилган қўшимча ишчи кучи, техника воситаларини топишга қўмаклашиш орқали иморатсозликда ўзлуксиз иш маромини йўлга қўйишдан иборат.

— Шундай талабчанлик, изланувчанлик боис 2005 йилда фойдаланишга топширилиши белгиланган 7 та замонавий коллеж қурилишини ўз вақтида ниҳоясига етказди, — дейди "Инжиниринг" компанияси раҳбари Примкул Собиров. — Мавжуд 6 та коллеж эса тўла қайта таъмирланди. Қурилиш ва таъмирлаш эҳтиёжлари учун 22 миллиард 260 миллион сўмликдан зиёд маблағ ўзлаштирилди.

Қурилишлар қўламини аниқроқ тасаввур қилиш учун бу кўрсаткичларни атиги 3-4 йил аввалги натижалар билан таққосласак, деярли 5-6 баробар ўсишга эришилганлигини кўриш мумкин. Демак, вилоятда коллежлар қурилишига манфаатдорлик ва чуқур масъулият билан ёндашиляпти. "Самарқандкимёқурилиш" очик турдаги акциядорлик жамияти, "Бунёдкор", "Жайхун" қурилиш компаниялари, "Чинор", "Люкс", "Сам Итака", "Муҳандис" сингари ўнлаб бинокорлик жамоалари бу борада зарур билим ва тажрибала-

рини кўрсатишмоқдалар.

Этиборлиси шундаки, замонавий қурилишлар Самарқанд шаҳринигина эмас, вилоятнинг энг олис қишлоқларини ҳам қамраб олаётгани ва яхлит ижтимоий инфратузилма ҳосил қилаётганлигидадир. Зотан, вилоят марказидан ўнлаб километр узоқликдаги Нуробод ёки Қўшробод туманларининг олис қишлоқларида муҳташам бинолар қад ростляпти.

Бугун вилоятнинг Нарпай туманида янги барпо этилган Қишлоқ хўжалиги касб-хунар коллежи, Пастдаргом, Ургут туманларидаги Тиббиёт коллежлари, Тайлоқдаги педагогика коллежи, Самарқанд туманидаги Агроекономика коллежи ва Самарқанд шаҳридаги қурилиш мутахассислари тайёрлайдиган коллеж истеъдодли ёшларни кашф этишга қўмаклашиши, шубҳасиз. Бу таълим даргоҳлари жами 5 минг ўқувчи ўрнига эга бўлиб, энг замонавий синф жихозлари, компьютерлар билан таъминланган. Махсус спорт заллари ва майдончалари, тажриба участкалари илгга чанқоқ авлод ихтиёрида. Бу илм масканларини замонавий мебель, парта, ўқув ва спорт жихозлари билан таъминлашда Самарқанддаги "Ойнапластик" корхонасининг ҳам салмоқли улуш қўшганлигини алоҳида таъкидлаш лозим.

Вилоят ўрта махсус касб-хунар таълими бошқармасидан олинган маълумотларга қараганда, ҳозир Самарқанддаги барча шарт-шароитларга эга бўлган 90 та коллеж ва лицейда 70 минг талаба тахсил олмақда. Улар эртага иқтисодиётни бозор талаблари асосида юритиш, ижтимоий соҳаларни ривожлантиришга ҳисса қўшишди, албатта. Шу боис, янги коллежлар қуриш ва таълим тизимини такомиллаштириш баробарида бўлажак мутахассисларга талаб бўйича меҳнат жамоалари билан олдиндан шартномалар тузилмоқда.

Талабалар завод ва фабрикаларда, тиббиёт муассасаларида, фермер хўжалиқларида амалий машғулотларни ўтаб тажриба орттиришмоқда. Бу эса таълим тизимидаги ислохотларнинг муҳим қирраси сифатида аллақачон ўз афзаллигини намойён этган. Самарқандлик коллеж талабалари ўз ижодий ишлари билан вилоят ва республика миқёсидаги турли кўрик-танловларда муваффақиятли иштирок этиб келмоқдалар.

Ҳа, бугун биз кечагидан яхшироқ илм олишга, яшашга ҳақлимиз. Зотан шундай гурурни англашнинг ўзиёқ миллиат саодатидан, унинг жаҳоний обрўидан нишондир.



Суратларда: Самарқанд вилоят ҳокимлиги "Инжиниринг" компанияси раҳбари П.Собиров; вилоятда барпо этилган янги коллежлар ана шундай кўркам қиёфа касб этган.


Муаллиф олган суратлар

САМАРҚАНД ВИЛОЯТ ҲОКИМЛИГИНИНГ «ИНЖИНИРИНГ» КОМПАНИЯСИ

Бутун вужудимизга баҳорий илиқлик югураётган мана шу ажиб дамларда барчамизга мустаҳкам соғлик, шоду хуррамлик, бунёдкорлик ишларида эса ҳамиша омад ёр бўлсин.


Наврўз ила кириб келувчи гўзаллик ҳеч қачон қалбимизни тарк этмасин!

Наврўзингиз муборак бўлсин!



**ШЕРОБОД ТУМАНИДАГИ
«МИРСАЛИМ ЖУМАЕВ» ФЕРМЕР ХЎЖАЛИГИ**

Барча ҳамюртларимизни, мамлакатимиз қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга катта ҳисса қўшаётган миришкор бободехқонларни баҳор байрами - Наврўз билан табриклайди.



**САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ
КАТТАҚЎФОН ШАҲАР
«СУВОҚАВА»
ТАШКИЛОТИ ЖАМОАСИ**

*Мустақил юртимиз рабнақи
ийлида фидокорона
теҳнат қилаётган
барча юрtdошларимизни бетакрор
баҳор байрами билан
гил дилдан қўтлайди.
Ҳар доим хонадонимиз тинч,
дастурхонимиз тўқин бўлсин!*



**ЎЗБЕКИСТОН - ТУРКИЯ ҲАМКОРЛИГИДАГИ
«ЕМЕК»
ҚЎШМА КОРХОНАСИ**

Ўзбекистон халқини Наврўзи айём билан
самимий муборакбод этади.
Баҳор нафаси уфуриб турган
шу қутлуғ кунларда

Барча эзгу орзу-ниятларингиз амалга ошсин.
Байрамингиз қутлуғ бўлсин, азиз қардошлар!



Таълим

Шароити тўқис коллеж

Турсун МАҲМАДАЛИЕВ,
«Адолат» мухбири

Мамлакатимизда ўрта махсус касб-хунар таълимини ривожлантиришга катта эътибор бериб келинмоқда. Мухташам, замонавий коллежлар қурилиб, уларнинг ўқув ва ишлаб чиқариш базаси мустаҳкамланмоқда.

Сариосиё иқтисодиёт коллежи Сурхондарё вилоятидаги кенжа билим даргоҳлари қаторидан ўрин олган. Билим маскани фаолиятини бошлаганига кўп бўлмаган эса-да, шарт-шароитлари тўқислиги билан ажралиб туради.

— Ўқув даргоҳимиз 910 нафар ўқувчига мўлжалланган. 100 ўринли талабалар ётоқхонасида яратилган шарт-шароитлар ўзгача дид касб этади. Талабалар замонавий коммунал хизмат турларидан кенг фойдаланишади. 3672

китоб фондига эга бўлган кутубхонамиз ҳамisha китобхон ёшларимиз билан гавжум, — дейди коллеж директори Ёраҳмад Бобоев фахр билан.

Спорт — саломатлик гарови. Коллежда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш борасида кейинги пайтда салмоқли ишларга қўл урилди. Энг оммавий 14 та спорт тури бўйича зарур шароитлар яратилди. Спорт залига 11 та тренажер олиб келиниб, ўрнатилди. Талабалар дарсдан бўш вақтларида ўзлари ёқтирган спорт турлари бўйича амалий машғулот олиб боришади.

Сариосиё туманида ўқувчи ва талаба ёшларнинг етарли билим олишига алоҳида эътибор бериб келинади. Шунинг учун республика фан олимпиадаларида сариосиёликларнинг омади чопган. Коллежнинг икки иқтидорли тала-

баси — Улугбек Мақсудов ва Муродullo Аҳмедов ҳам ана шундай нуфузли танловларда муносиб қатнашиб келишяпти. Талаба қизлар ўртасида вилоятда бўлиб ўтган миллий кураш мусобақаларида эса Умида Фақирова ва Насиба Файзиёва ўз вазн тоифалари бўйича голиб бўлишган.

Бугун коллежда 995 нафар ўқувчи талаба билим олмақда. Уларнинг 295 нафарини қизлар ташкил қилади. 53 нафар ўқитувчи беш йўналиш — ҳисобчи-аудит, молия, банк иши, солиқ ва компьютер мутахассислиги бўйича ёшларга билим беришяпти. Меликул Ферматов, Сайфитдин Муродов, Феруза Ҳикматова, Ойдин Журабекова, Нурмат Худойбердиев, Сувоқул Саттаров, Раъно Холназарова, Исмоил Ашуров, Абдуғаффор Мелиқулов сингари ўқитувчилар жамоа фахри ҳисобланади.

**КАТТАҚЎРҒОН ШАҲАР
ПЕДАГОГИКА КОЛЛЕЖИ ЖАМОАСИ**

Ўзбекистон халқини, фидойи устоз-мураббийларни Наврўз байрами билан табриклайди.

Эзгу ният ва хайрли амалларингиз доимо ижобат бўлаверсин.



Мулоҳаза учун мавзу

Камқонлик кўп муаммо туғдиради

Тулқин ЕРҚУЛОВ,
журналист

Темир моддаси ва фоллий кислотаси этишмаслиги оқибатида жаҳонда 41 миллион нафар чақалоқ камқонлик хасталигига чалинган. Умуман, бу касал-

гун тобим йўқроқ" ёки "сал мазам қочиб турибди" қабилидаги гап-сўзларни эшитамиз ва буни ўзимизча турли сабаблар билан боғлаймиз. Аммо бу камқонлик оқибати эмасмикан, деган фикрга бормаймиз.


кибидаги 14 та корхонага махсус ускуна ўрнатдик. 2009 йилгача маҳаллий тегирмонлар ҳам замонавий бойитиш технологияси билан жиҳозланади.

Ҳозирги пайтда ҳар тонна унга 150 грамм темир моддаси, фоллий кислота, В, В, дармондорилари қўшиляпти. Бунда нонни пиширишда дармондориларнинг таъсири камайиши ҳам ҳисобга олинган. Лабораторияда ҳар икки соатда мунтазам унни текшириб борамиз. Бундан ташқари, нон тайёрлаш корхоналарини ҳам назорат қиламиз. Лекин хонадон тандирларида ёпилган нон ва бошқа маҳсулотлар бойитилган ундан тайёрланаётганига кафолат беролмаймиз. 2009 йилга бориб олий ва 2-нав ун ҳисобига унни зарур моддалар билан бойитиш қувватимиз йилига 2 миллион 900 минг тоннагача етади.

Албатта, бу савий-ҳаракатлар барчамизда катта умид уйотади. Унни бойитиш дастурининг ижобий натижа беришини қандай аниқлаш мумкин, деган савол билан яна камқонликни даволаш бўйича марказ раҳбари Дилором Сулаймоновага мурожаат этдик.

— Унни бойитиш миллий дастурини амалга оширишга киришишдан олдин камқонлик энг кўп рўйхатга олинган ҳар бир худуддан 600 нафардан бемор тиббий текширувдан ўтказилади. Биз ҳар йили бу тадбирни такрорлаб тураемиз. Чунки бойитилган унни истеъмол қилиш натижаси камида 1 йилдан сўнг ўз самарасини кўрсатади. Кузатиб бориладиган 600 кишининг неча фоизи камқонликнинг қайси даражаси билан касалланган ёки бу хасталиқдан қутулганига қараб тадбирларнинг халққа фойдасини аниқлаймиз.

Энди, оддий ҳисоб-китоб қиладиган бўлсак, бойитилган уннинг бир килоси 1 сўм 20 тийинга қимматлашади, холос. Ҳомиладор аёлни камқонликдан қутқариш учун бир флакон "Феррум-лек" дорисини харид этишга қанча сарфлайсиз? Шундан келиб чиқилса, ҳукуматимизнинг эл соғлигини асраш йулидаги тадбирларини қутлаш, қўллаб-қувватлаш керак. Демак, камқонликни олдини олиш мумкин.



ликка чалинганлар икки миллиардни ташкил этади. Ҳар куни ер юзиде 300 нафар аёл туғиш пайтида оламдан кўз юмади, 500 нафар чақалоқ камқонлик туфайли муайян нуқсон билан туғилади. Гарчи камқонлик ёки қонда темир моддасининг камлиги болалар ва аёлларга хос хасталик деб қаралса-да, бироқ дунёда ҳар куни 4 минг нафар эркак юрак хуружидан вафот этаётгани таъшишли ҳол. Дарвоқе, юрак хуружининг камқонликка қандай дахли бор?

Бу ҳақда Республика гематология ва қон куйиш илмий-тадқиқот институти раҳбари Дилором Сулаймонова шундай дейди:

— Аввало, эркакларда камқонлик мушаклар кучсизлиги, чидамсизлик ва асабийликни пайдо қилади, ишчанлик қобилятини пасайтиради. Бу эса, ўз навбатида, иш жойида ҳолдан тоишига, белгиланган вазифаларнинг талаб даражасида бажарилмаслигига сабаб бўлади. Умуман, камқонлик мамлакатнинг ички маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмига ҳар йили 5 фоизгача зарар еткази.

Дарҳақиқат, ишхонада тез-тез "буниқ" бўлишди. Унни бойитиш учун компания тар-

Одатда, одам организмда 4 грамм миқдорда темир моддаси бўларкан. Бироқ терлаш, соч ва тинокни олиш, сийдик орқали 1 грамм темир моддасини йўқотамиз. Демак, кунига ўртача 1 грамм атрофида темир моддаси истеъмол этилса, камқонликнинг олдини олиш мумкин. Темир моддаси беҳи, ёнғоқ, олма каби меваларда мавжуд.

— Президентимизнинг 2005 йил 11 августдаги "Унни бойитиш бўйича миллий дастурни амалга ошириш туғрисидаги" қарори билан мамлакатимизда жуда муҳим лойиҳа амалга ошириляптир, — дейди "Ўздонмаҳсулот" акциядорлик компанияси лаборатория директори Дилором Фафурова. — Биз ЮНИСЕФ ташкилоти ва Республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги иштирокида Президентимиз қарориде белгилаб берилган вазифаларни бажаришга киришганмиз.

Республикамиздаги ун маҳсулотига бўлган талабнинг 50 фоизи компаниямиз корхоналарида, 17 фоизи уйда, 7 фоизи хусусий тегирмонларда, тайёрланадиган, яна 26 фоизи чет элдан келтириладиган маҳсулот билан қопланади. Унни бойитиш учун компания тар-

«НАВОИЙ НЕФТМАҲСУЛОТЛАРИ» УНИТАР КОРХОНАСИ ЖАМОАСИ

Жаннатмакон юртимизда истиқомат қилаётган барча фуқароларни Наврўз байрами билан муборакбод этади. Айёмингиз муборак бўлсин, азиз юртдошлар!



ҚАРШИ ШАҲРИДАГИ «ДАВЗАТ» ХУСУСИЙ ФИРМАСИ

Яшариш, янгилашни фасли даракчиси — Наврўзи олам билан қутлайди.

Баҳорий айём барчангизга олам-олам шодлик, бахт-саодат келтирсин.



САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ «СУВОҚАВА» ТАШКИЛОТИ ЖАМОАСИ

Халқимизнинг бебаҳо қадриятлари, бой маънавий мероси жо бўлган қутлуғ байрам — Наврўзи айём барчамизга муборак бўлсин!



